

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИ
АГРАР, СУВ ХЎЖАЛИГИ МАСАЛАЛАРИ ВА ЭКОЛОГИЯ
ҚЎМИТАСИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

**“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ
СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИЛМИЙ
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТЛАРИ ВА ОЛИЙ ТАЪЛИМ
МУАССАСАЛАРИНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ
МАСАЛАЛАРИ”**


мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари

ТЎПЛАМИ

1-китоб

22-23 февраль 2018 йил

Тошкент-2018



2-расм. Ғўзанинг шоналаш даврида озика элементларига талаби.

Фосфорли эритма таъсирида хлоропласт суспензиясининг фаоллигидаги энг кучли ўзариш ҳам умуман ўғит берилмаган вариантда кузатилди. Бу вариантда фосфорли эритма таъсирида хлоропласт суспензияси фаоллиги энг катта кўрсаткичга (947) эга бўлиб, назоратга (687) нисбатан жуда юқори, яъни фосфорли ўғитга талаб кучли бўлди.

$N_{147}P_{46}K_0$ ва $N_{147}P_{46}K_0$ +ТФД вариантларида хлоропласт суспензияси фаоллиги назорат ўлчовига нисбатан анча юқори, тегишлича, 883 ва 817 га тенг. Бу вариантларда ҳам фосфорли ўғитга талаб борлиги намоён бўлди.

$N_{200}P_{140}K_{100}$ ва $N_{200}P_{140}K_{100}$ +ТФД вариантларида эса фосфорли эритма таъсирида хлоропласт суспензияси фаоллиги кўрсаткичлари, тегишлича, 693 ва 687 га тенг бўлиб, қарийб назорат ўлчови (687) даражасида, яъни фосфорли ўғитларга муҳтожлиги йўқ эканлиги кузатилди (1, 2-расмлар).

Хлоропласт суспензиясининг фотохимёвий фаоллигида калийли эритма таъсири тажриба вариантлари бўйича турли кўрсаткичларга эга бўлди.

Умуман минерал ўғит берилмаган ва азотли ҳамда фосфорли ўғитлар берилиб, калийли ўғит берилмаган $N_{147}P_{46}K_0$ ва $N_{147}P_{46}K_0$ +ТФД вариантларида калийли эритма таъсирида хлоропласт суспензияси фаоллиги, тегишлича, 933; 877 ва 850 га тенг бўлиб, бу вариантларда калийли ўғитга кучли талаб борлиги намоён бўлди.

$N_{200}P_{140}K_{100}$ ва $N_{200}P_{140}K_{100}$ +ТФД вариантларида эса калийли эритма таъсирида хлоропласт суспензияси фаоллиги ўзгармади, яъни бу вариантларда калийли ўғитга талаб бўлмади (1, 2-расмлар).

Хлоропласт суспензиясининг фотохимёвий фаоллигини ўрганиш тавсия этилган меъёрлар ($N_{200}P_{140}K_{100}$) қўлланилганда минерал ўғитларга муҳтожлик йўқлигини кўрсатди. Амалиёида қўлланилаётган меъёрларда ($N_{147}P_{46}K_0$) минерал ўғитларга талаб талаб борлигини кўрсатди. Талаб бор вариантларда хлоропласт суспензияси фаоллиги ортиши маълумотлари асосида минерал ўғитлар меъёрларига тузатишлар киритиш, пахта ҳосили сезиларли даражада ошишини таъминлади.

Хулоса

Қишлоқ хўжалиги экинлари вегетацияси даврида уларни озика моддалари билан мақбул таъминлаш, қўлланиладиган минерал ўғитлар меъёрларини аниқ белгилаш мақсадида тупроқ диагностикаси учун анъанавий ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчи калий миқдорларини аниқлаш билан бирга ўсимликлар вегетация даврида реал ўзлаштириши мумкин бўлган азот миқдорини аниқлашнинг янги услубидан фойдаланиш, ўсимлик диагностикаси учун эса, ўсимлик функционал диагностикаси услубини қўллаш орқали экинларнинг вегетация даврида озика элементларига бўлган талабини аниқлаб, қўлланилаётган минерал ўғитлар меъёрларига тузатишлар киритиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Кравков С.П. Биохимия и агрохимия почвенных процессов. -Л.:Наука, 1978. -С.180-205.
2. Прянишников Д.Н. Азот в жизни растений и в земледелии СССР. Избранные сочинения том третий. - Москва, 1945.
3. Тюрин И.В. Плодородие почв и проблема азота в почвоведении и земледелии. М., 1957. -С. 21.

СУГОРИЛАДИГАН ГИДРОМОРФ ТУПРОҚЛАРИНИНГ РЕГИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ДЕГРАДАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ДОИР ТАВСИЯЛАР

А.Ж.Исмонов, Н.Н.Қаландаров, Ў.Х.Мамажанова
Тупроқшунослик ва агрохимё ИТИ

Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш йўлида, ер ва сув ресурсларидан, сугориладиган тупроқлардан самарали фойдаланиш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини сақлаш ва ошириш мамлакатимизда энг муҳим устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2017 йил 9 декабрда “Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунин” муносабати билан сўзлаган нутқида, соҳани ривожлантириш, янги босқичга қўтариш учун аграр соҳада селекцияни ривожлантириш, сув тежайдиган илгор агротехнологияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, сугориладиган ҳар бир қарич ердан самарали фойдаланиш шу куннинг долзарб масалаларидан эканлигини таъкидлаб ўтилган [1].

2015-2017 йилларда қуйи Амударё зонаси сугориладиган тупроқларида амалий лойиҳалар доирасида, турли геоморфологик районларда жойлашган ўн бешта таянч ҳўжаликларида (умумий майдони 35000га) илмий тадқиқотлар ўтказилди. Тадқиқотларда сугориладиган тупроқ қопламлари шаклланиган ҳудудларининг ўзига хос регионал хусусиятлари, уларни геоморфологик, литологик, гидрогеологик ва тупроқ-иқлимий шароитлари ўрганилди. Ҳудуднинг геоморфологик районларини шаклланишида ҳамда литологик тузилишида қуйидаги хусусиятлари ўзига хос яъни, республикани бошқа регионларида кам учрайдиган: қуйи Амударё минтақаси сугориладиган ҳудудлари ер юзаси тузилишининг муайян текислиги ва умумий қиялик $0,0001-0,0002^\circ$ да бўлиб, фақат замонавий каналлар, қадимги дарё ўзанлари ҳамда ўзанлараро паскамликлар ушбу текисликни бироз мураккаблаштирганлиги билан ажралиб туради. Ўзанбўйи тепаликлари ўртача 4-6 метр баландликда бўлиб, қуйи (Амударёни) қисмларда улар баландлиги 1-2 метрга етади. Ўзанбўйи тепаликлари ва ўзанлараро паскамликларни кенлиги ҳам замонавий ётқизикли геоморфологик районларида бир неча метрдан бир неча километрларни эгаллайди. Замонавий ётқизиклар тўшалган районлар рельефи аллювиал келтирилмаларнинг йиғилганлиги билан боглиқ. Чунки, ўзан бўйи ҳудудларида энг кўп келтирилма материаллар, улардан узоклашган сари келтирилма жинслар миқдори камайиб, аллювиал жинсларни юпқалашиб борган.

Жадал деҳқончилик ишлари юритиладиган Амударёнинг дельта-аллювиал қисмида рельефни ўзгарганлиги яъни, текисланганлиги ҳамда узок йиллар давомида ерларга ишлов бериш, сугориш ҳисобига маълум қалинликда агроирригацион қатламлар вужудга келган, натижада айрим ўзанлараро паскамликларни юзаси улар ҳисобига бироз кўтарилганлиги, текисланганлиги кузатилади.

Гидрогеологик шароитлари таҳлил этилганда ер ости ва усти сув ресурслари биринчи кўзга ташланади. Ҳудуд ер усти сувлари Амударёдан тарқалган замонавий каналлар орқали сугориш сувлари далаларга тарқатилади. Далаларга сингиган сугориш сувларининг бир қисми ер ости сувлари сифатида зовурлар ва коллекторлар орқали чиқариб юборилади. Лекин, юқорида айтганимиздек рельефнинг ўта текис бўлганлиги боис, ер ости сингиган (сугориш) сувлар ҳаракати жуда секин, натижада уларни бир қисми бугланишга учрайди. Ер ости сувларининг бугланиши баробарида, улар тупроққа ўзидаги сувда осон эрувчан тузларни бириктириб тупроқни турли профилларида қолдиради. Йиллар давомида ушбу жараённинг давом этиши, ер майдонларини турли даражада шўрланишига олиб келган. Ҳудуд сугориладиган тупроқларининг ўзига хос хусусиятларидан бири, ўзанлараро чўкмаларда шўрланишларни кўпроқ учраши ва нисбатан баланд яъни ўзан бўйи тепаликларида шўрланишларни камроқ учрашидир. Бу ҳолат канал ва дарё ўзанлари яқинида ер ости сувларини минераллашганлигини паст даражадалиги ҳамда сугориш сувлари манбаларидан узоклашган сари ер ости сувларининг минераллашганлигини ортиб бориши билан ҳам боглиқдир.

Амударё сувида лойқанинг кўп миқдорда бўлиши, сугориладиган далаларда агроирригацион қатламларни тез ўсишига ёрдам беради. Бундан ташқари, дарё лойқалари далаларга эриган моддаларни кириб келишига, тупроқни улар билан бойишига ёрдам берган.

Қуйи Амударё тупроқ-иқлимий шароитларида атмосфера ёгинларига нисбатан бугланишларнинг кўплиги, тупроқ-грунтда шўрланишларни ривожланишига олиб келган. Бундан ташқари, ҳаво ҳароратининг юқорилиги, нисбий намликни камлиги ва шамолларни турли тезликда эсиши, ҳудудни тупроқ шароитларига бевосита таъсир доирасини катталиги билан ажралиб туради. Кейинги 60-70 йил давомида ҳудуд иқлим шароитини кескин ўзгариши, қуйи Амударё минтақасида таҳликали экологик ҳолатни, инқирозга учраган табиий шароитни вужудга келтириб чиқарган. Яъни Орол денгизи сув ҳажмини кескин камайиб бориши натижасида, Оролбўйи ҳудудларида сув танқислиги, шўрланган ер майдонларини кенгайиши, чўлланиш ва деградация каби салбий ҳолатларни юзага келиши, қуйи Амударё оқими сугориладиган минтақанинг ўзига хос бўлган тупроқ-иқлимий хусусиятларидан ҳисобланади.

Кейинги йилларда (2015-2017йй) қуйи Амударёнинг турли геоморфологик районларда ўтказган тадқиқотларимизда, минтақасида вужудга келган тупроқ-иқлимий шароитларни ўзгариши натижасида, сугориладиган гидроморф тупроқ қопламларида деградация жараёнлари авж олганлиги яъни, турли даражада шўрланиши, гумус ва озика моддаларини ҳайдов қатламида камайиб бориши ҳамда сув танқислигини вужудга келиши натижасида чўлланишга учраган ер майдонлари ҳажмини кенгайганлиги қайд этилди. Ўрганилган таянч ҳўжаликлари сугорилган гидроморф тупроқларининг агрокимёвий хосса-хусусиятлари таҳлил этилганда, Қўнғирот туманидаги Й. Охунбобоев номли ҳўжаликни-49,62%, Элликқалъа тумани Янгиер ҳўжалигини-85,16%, Нукус туманидаги Ақманғит ҳўжалигини-100%, Амударё туманидаги Тўлқин ҳўжалигининг-51,78%, Кегейли туманидаги Абибуллаев номли ҳўжалигини-100%, Тўртқўл туманидаги Шўроҳон ҳўжалигини-51,57% ва Тахтақўпир туманидаги Маржанқўл ҳўжаликларининг 67,48% ер майдонлари дегумификация (гумусни етишмаслиги) жараёнларига учраганлиги тадқиқотларда қайд этилди.

Куйи Амударё сугориладиган тупроқларида деградация жараёнларини олдини олиш мақсадларида таклиф этилган ишланмаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, уларни таъсирини камайтириш орқали, тупроқлар унумдорлигини ошириш, сақлаш ва муҳофаза этиш мумкин.

Шу нуқтаи назардан, Амударёнинг куйи оқими сугориладиган ер майдонларидан танланган таянч хўжаликлари тупроқларида илмий тадқиқот ишларида олинган маълумотларни таҳлил этилиб таққосланганда, Қорақалпоғистон Республикасининг Қонликўл туманидаги Сариалтин, Чимбой туманидаги Бўзатов, Қўнғирот туманидаги Охунбобоев номли, Тахтакўпир туманидаги Маржанкўл хўжаликлари сугориладиган ўтлоқи аллювиал ва тақирли-ўтлоқи тупроқлари ҳайдов ости қатламларидан бошлаб, сувда осон эрувчан тузларни майда кристаллари шаклида тўпланиб бориш жараёни қайд этилди. Хўжаликларни сугориладиган ер майдонларида шўрланишнинг ўртача ва кучли кўринишлари катта ер майдонларини эгаллаган.

Сугориладиган гидроморф тупроқларининг мелиоратив ҳолати огир, деградацияга ва чўлланишга учраган ер майдонлари жами сугориладиган ер майдонларини 60-70% ташкил этиб, улар Қўнғирот, Қонликўл, Чимбой ва Хўжайли туманларида тадқиқотларда қайд этилди.

Ўрганилган хўжаликларни сугориладиган тупроқларида ўтказилган тадқиқотларга кўра, гумус билан кам таъминланган (1,0% гача) ер майдонлари 51,5%, ўртача (1,0% дан юкори) 47,0% ва етарли даражада 1,5% ер майдонларини ташкил этган. Умумий сугориладиган ер майдонларининг 51,5% гумус билан кам таъминланганлиги аниқланди ва ушбу ҳудудлар куйи Амударё оқими зонасининг Қўнғирот, Хўжайли, Беруний, Кегайли, Чимбой, Тахтакўпир ва Қонликўл туманларининг сугориладиган гидроморф тупроқли ер майдонларида кузатилди.

Ўрганилган тадқиқот ҳудудлари сугориладиган тупроқларини ҳаракатчан фосфор ва калий билан таъминланганлиги ўрганилганда, ҳаракатчан фосфор билан кам, жуда кам даражада 83,8%, ўртача 11,5% ҳамда етарли даражада 4,7%; алмашинувчи калий билан жуда кам, кам даражада 71,8%, ўртача 19,5%, етарли даражада 8,7% ер майдонлари таъминланганлиги ўтказилган тадқиқотларда аниқланди. Тадқиқотларда ўрганилган сугориладиган гидроморф тупроқларнинг 83,8 фоизи ҳаракатчан фосфор билан; 71,8 фоизи алмашинувчи калий билан кам таъминланганлиги ва ушбу тупроқларни деградацияга жадал учраганлиги қайд этилди.

Амударёнинг куйи оқими сугориладиган ер майдонларининг регионал хусусиятларидан келиб чиқиб, аниқланган ва содир бўлаётган салбий жараёнларни бартараф этиш, тупроқ мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ерга ишлов бериш, экинларни озиклантириш, сугориш ва бошқа агротехник тадбирлар бир бирига узвий боглиқ, шу сабабли мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш муҳимдир:

Кузги шудгорни ер музлагунча ўтказиш яхши натижа беради яъни кишки тиним даврида агдарилган тупроқ уваланади, нам сақлайди, бегона ўт-ўсимликлар илдизи ва ҳашоратларни гумбаклари нобуд бўлади. Қумли ва қумоқли далаларда шўр ювиш ишларидан сўнг баҳорда шудгор қилиш мумкин [2;3].

Унумдорлиги паст ерларни унумдорлигини тиклаш, сақлаш мақсадида, шўрга чидамли озиқа ва дуккакли экинларни жойлаштириш юкори самара беради, тупроқ унумдорлиги тикланади, ерларни мелиоратив ҳолати яхшиланади.

Фосфорли ва калийли ўғитларни тақчиллигини ҳисобга олиб сугориладиган ер майдонлари тупроқларини ўғитларга бўлган талабини нисбатан кондириш ва тупроқ унумдорлигини ошириш мақсадларида ноанъанавий агрорудалардан (бентонит, глауконит) фойдаланиш тавсия этилди[2;3].

Қорақалпоғистон Республикаси шароитларида сугориладиган ерларни сифатли текислаш, бегона ўтлардан тозалаш, томчилатиб (богдорчиликда) сугориш каби тадбирлар сугориш сувларини 50% гача тежашга имкон яратади.

АМУДАРЁНИНГ ҚАДИМГИ ДЕЛЬТАСИДА ШАКЛЛАНГАН ЭСКИДАН СУГОРИЛАДИГАН ЎТЛОҚИ АЛЛЮВИАЛ ТУПРОҚЛАР ВА УЛАРНИНГ УНУМДОРЛИГИ ОШИРИШГА ДОИР ТАВСИЯЛАР

Р.Қўзиев, А.Ж.Исмонов, Н.Ю.Абдурахмонов
Тупроқшунослик ва агрохимё ИТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 декабрда “Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни” муносабати билан сўзлаган нутқида, соҳани ривожлантириш, янги босқичга кўтариш учун аграр соҳада селекцияни ривожлантириш, сув тежайдиган илгор агротехнологияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, ҳар бир ҳудудда тупроқ ва иқлим шароитларига мос экин навларини яратиш ва жойлаштириш, мева ва сабзавот етиштиришни кўпайтириш ва уларни экспорт салоҳиятини ошириш,

МУНДАРИЖА

Макола номи ва муаллифлар	Бети
СУЗ БОШИ Б. Сулаймонов	3
ФЕРМЕР ХУЖАЛИКЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИЛМИЙ ВА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ Б.Сулаймонов, М.Тошболтаев	4
1-ШЎБА ЎСИМЛИКШУНОСЛИК, ДЕХҚОНЧИЛИК ВА АГРОКИМЁ СОХАСИДАГИ ЗАМОНАВИЙ АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР	
МУТТАСИЛ ШОЛИ ЕТИШТИРИШДА АГРОТЕХНИК ТАДБИРЛАРНИНГ ҲОСИЛДОРЛИККА ТАЪСИРИ М.А.Эргашев, М.А.Ахтамов, А.И.Абибуллаев	9
ПУТИ ПОВЫШЕНИЯ ПЛОДОРОДИЯ ЗАСОЛЕННЫХ ЗЕМЕЛЬ Д.У.Исмаилов	10
БЕРЕЧЬ ЗЕМЛЮ, ВСЕГДА УМНОЖАТЬ ЕЁ ПЛОДОРОДИЯ Н.Б.Реймов, Ф.Реймова, О.Реймов	12
ЭКИНЛАР АГРОТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ЕРЛАРНИ ЛАЗЕРЛИ ТЕКИСЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ Н.Реймов	14
ПАЛЫЗ ЕГЫНЛЕРЫНДЕ УШЫРАСАТУҒЫН ЗЫЯНКЕСЛЕР ТҮРЛЕРЫ ҲӘМ ОЛАРҒА ҚАРСЫ ГҮРЕСТЕ АГРОТЕХНЫКАЛЫҚ ЫЛАЖЛАРДЫҢ ӘҲМИЙЕТЫ А.Реймов, С.Сахабаева	16
ВЛИЯНИЕ МИНЕРАЛЬНЫХ И НЕТРАДИЦИОННЫХ УДОБРЕНИЙ НА ПРОДУКТИВНОСТЬ ХЛОПЧАТНИКА А.У.Исмаилова	17
ВЛИЯНИЕ СОЛЕПЫЛЕВЫХ АЭРОЗОЛЕЙ НА ПЛОДОРОДИЯ ПОЧВЫ У.Е.Исмаилов, Д.Кутлымуратова, Н.Елемесова	19
ВЛИЯНИЕ ВЫСЫХАНИЯ АРАЛЬСКОГО МОРЯ НА АГРОХИМИЧЕСКИЕ И АГРОФИЗИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА ЗАСОЛЕННЫХ ПОЧВ КАРАКАЛПАКСТАНА У.Е.Исмаилов, Б.Б.Жоллыбеков, Б.Халмуратова	20
КУЗГИ БОШОҚЛИ ДОН ЭКИНЛАРИНИ СУҒОРИШ ТАРТИБИНИНГ ЎСУВ ДАВРИГА ТАЪСИРИ О.А.Аманов, А.Шоймуратов	22
ЎЗБЕКИСТОН ЖАНУБИДА СОЯ ЭКИНИНИ ЕТИШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ Н.Н.Абдурахимов, Ш.Қ.Шайманов	25
САБЗАВОТ ВА ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ УРУҒИНИ ЭКИШ ОЛДИДАН КИМЁВИЙ ДОРИЛАР БИЛАН ИШЛОВ БЕРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ А.Т.Росабоев, У.Б.Имомкулов	26
ҚАРАҚАЛПАҚСТАН ЖАҒДАЙЫНДА ДӨНЛИ ЕГИНЛЕРДЕН БИР АТЫЗДАН ЕКИ ӨНИМ ЖЕТИСТИРИҰ ИЛАЖЛАРЫ У.Абыллаев, Б.Абдуллаев, А.Реймов	28
SOYA FOYDALI XUSUSIYATLARGA MO'L O'SIMLIK K.Jalolov, N.No'monova	29
ОСИЁ ЛОВИЯСИ-МОШ ИСТИҚБОЛЛИ ЭКИН Х.А.Идрисов, Р.У.Сантканова, Н.Б.Туйгунов	30
ЛАЛМИКОР МИНТАҚА ТУПРОҚЛАРИ УНУМДОРЛИГИНИ САҚЛАШ ВА ҲИМОЯЛАШДАГИ АЙРИМ МУАММОЛАР А.Х.Қораев	32
КОНСТРУКЦИЯ СКВАЖИН ИЗ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫХ ТРУБ ВЕРТИКАЛЬНОГО ДРЕНАЖА ДЛЯ УЛУЧШЕНИЯ МЕЛИОРАТИВНОГО СОСТОЯНИЯ ОРОШАЕМЫХ ЗЕМЕЛЬ А.Абиров, У.А.Садикова, Л.Ф.Узакбаева	34
ТРИТИКАЛЕ - ИСТИҚБОЛЛИ ДОНЛИ ЭКИН У.Д.Бобатова	37
ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ И.О.Тўланов, К.О.Тўланов	38

ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИ ЭКИНЛАРИНИ ОЗИҚЛАНТИРИШДА ТУПРОҚ ВА ЎСИМЛИК ДИАГНОСТИКАСИ УСЛУБЛАРИНИ ҚўЛЛАШ НАТИЖАЛАРИ А.Ж.Боиров, Х.Т.Нуриддинова, Ш.А.Жўраев	41
СУҒОРИЛАДИГАН ГИДРОМОРФ ТУПРОҚЛАРИНИНГ РЕГИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ДЕГРАДАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ДОИР ТАВСИЯЛАР А.Ж.Исмонов, Н.Н.Қаландаров, Ў.Х.Мамажанова	43
АМУДАРЁНИНГ КАДИМГИ ДЕЛЬТАСИДА ШАКЛЛАНГАН ЭСКИДАН СУҒОРИЛАДИГАН ЎТЛОҚИ АЛЛЮВИАЛ ТУПРОҚЛАР ВА УЛАРНИНГ УНУМДОРЛИГИ ОШИРИШГА ДОИР ТАВСИЯЛАР Р.Қўзиев, А.Ж.Исмонов, Н.Ю.Абдурахмонов	45
МОЙЛИ ЗИҒИРНИНГ МОЙИ КўП БўЛСИН ДЕСАНГИЗ Л.Маматқулова, З.К.Юлдашева	48
ОСОБЕННОСТИ ИЗМЕНЕНИЯ АГРОХИМИЧЕСКИХ СВОЙСТВ ПОЧВЫ В СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ СЕВООБОРОТЕ Е.П.Садыков, Ғ.У.Сайипназаров	49
КУЗГИ БУҒДОЙ ДОН СИФАТИНИ НАВ, ТУПРОҚ НАМЛИГИ ВА ЎҒИТ МЕЪЁРЛАРИГА БОҒЛИҚЛИГИ Б.Қ.Атоев	51
ТУРЛИ ХИЛ ОРГАНИК, ОРГАНОМИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР ҚўЛЛАНИЛГАНДА ТАКРОРИЙ ДУККАКЛИ ЭКИН КўРСАТКИЧЛАРИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИ Т.Т.Бердиев, С.Ч.Мустафаева, С.Р. Уралова	53
СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ СУҒОРИЛАДИГАН ШўРЛАНГАН ТУПРОҚЛАРИНИНГ СУВ-ФИЗИКАВИЙ ҲОЛАТИ Ш.А.Ботиров, Р.Қурвонтосев	55
ПАХТА ТОЛА СИФАТИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ЎҒИТ МЕЪЁРИНИ ТАЪСИРИ Ғ.Ғ.Парпиев, М.Қ.Парпиева, Ф.М.Атахажиева	57
ҒЎЗАНИ СУҒОРИШ УСУЛЛАРИ Н.А.Мамаджонова, Ғ.Алижонова	59
СУСПЕНЗИЯ ВА СУЮЛТИРИЛГАН ХИМИКАТЛАРНИ СЕПИШ МОСЛАМАСИНИ АСОСЛАШ А.Ж.Бекназаров, Б.У.Нурмихамедов, Ш.Ш.Мирзаходжаев	60
ҒЎЗА ҚАТОР ОРАЛАРИГА ИШЛОВ БЕРИШДА СУСПЕНЗИЯ ВА СУЮЛТИРИЛГАН ХИМИКАТЛАРНИ СЕПИШ МОСЛАМАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ Б.У.Нурмихамедов, А.Ж.Бекназаров, Ғ.И.Уралов	62
САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШДА КўЧАТ ЭКИШ МАШИНАСИНИ АСОСЛАШ А.Жаҳонгиров, Х.Б.Шодиев, С.И.Караев	63
КОМБИНАЦИЯЛАШГАН ФРОНТАЛ ПЛУГНИНГ ФАОЛ ИШЧИ ОРГАНИ ВА УНИНГ ПАССИВ ИШЧИ ОРГАН БИЛАН ЎЗАРО ЖОЙЛАШУВИНИ АСОСЛАШ Ш.Ш.Мирзаходжаев, Ф.Т.Тошқулов, Ж.Исломов	65
ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИНИ САҚЛАШ ҲАМДА ОШИРИШ ЧОРА ТАДБИРЛАРИ Н.А.Мамаджонова	66
СУҒОРИЛАДИГАН ТУПРОҚЛАРНИНГ ГУМУС ВА ЯЛПИ ОЗИҚА МОДДАЛАР МИҚДОРИНИ МУЛЧАЛАШ ВА КАМ ИШЛОВ БЕРИШ ТАЪСИРИДА ЎЗГАРИШИ Р.Қурвантаев, А.А.Мусурманов, Н.А.Солиева	68
ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИ ЭКИНЛАРИНИ ОЗИҚЛАНТИРИШДА ТУПРОҚ ВА ЎСИМЛИК ДИАГНОСТИКАСИ УСЛУБЛАРИНИ ҚўЛЛАШ НАТИЖАЛАРИ А.Ж.Боиров, Х.Т.Нуриддинова, Ш.А.Жўраев	70
ҒЎЗАНИ ҚўШ ҚАТОРЛАБ ЭКИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ М.Қ.Эшмуродова, Н.Д.Эшмуродова	72
ҒЎЗА ҚАТОР ОРАЛАРИГА ИШЛОВ БЕРИШДА ТУПРОҚНИНГ УВАЛАНИШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ А.Хаджиев, С.Темиров	73
ЧИГИТНИ ПУШТАГА ЭКИШ ТУПРОҚ ҚАТҚАЛОҒИГА ҚАРШИ КУРАШДА МУҲИМ ТАДБИР Б.Б.Тўхташев, И.Ғ.Курбанов, А.Сайимбетов	76